



2017 йил 21 декабрь

№ 1249-У

2018 йилда Нуробод тумани Наврўз маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги ва давлат идораларининг раҳбарлари учун 2 қаватли кўшиб қурилган (спаренный) уй-жойлар қурилиши учун ер майдони танлаб ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2693-сонли "Жойлардаги ижроия ҳокимияти ва давлат идораларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари учун хизмат уй-жойлар қуриш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижросини таъминлаш юзасидан Нуробод тумани Наврўз маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ижроия ҳокимияти ва давлат идораларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари учун 8 та 2 қаватли кўшиб қурилган (спаренный) турар-жой бинолари қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги "Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ ҳўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга руҳсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси "Ер Кодекси"нинг 6, 23-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Нуробод тумани Наврўз маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан туман ҳокимлиги заҳирасида бўлган қишлоқ ҳўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан 0.5 гектар ер майдонига ижроия ҳокимияти ва давлат идораларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари учун 8 та 2 қаватли кўшиб қурилган (спаренный) турар-жой бинолари қурилиши учун ер майдони танлаш ва ажратиш учун ишчи комиссиянинг 2017 йил 15 декабрдаги даволатномаси тасдиқлансин.

2. "Қишлоққурилишинвест" ИК МЧЖ Самарқанд филиали томонидан Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг экологик экспертиза ҳулосасини олиш вазифаси топширилсин.

3. Қурилиш ишларини вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган АРТ ва лойиҳа ҳужжатлари асосида ҳамда қурилиш лойиҳасини вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан руйхатдан ўтказган ҳолда амалга ошириш белгилаб қўйилсин.

Туман ҳокими



Ф.Зайров